

О'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

140800, Kattaqo'rg'on sh, Amir Temur ko'chasi, 4 uy  
Tel.: (0366) 456-15-89., Faks., (0366) 456-10-01

140800, г. Каттакурган, улица Амира Темура, дом 4  
Тел., (0366) 456-15-89., Факс., (0366) 456-10-01

2020 у.г. «19» март

№ 83-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**“Қориавот” МФЙ Алишер Навоий кўчаси  
худудидан АТ Халқ банки Каттакўрғон  
филиалининг “24/7 Электрон офис” ўрнатиш  
учун вақтинча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия далолатномаси ҳамда АТ Халқ банки Каттакўрғон филиали бошқарувчиси А.Эшпулатовнинг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия далолатномаси тасдиқлансин.
2. “Қориавот” МФЙ Алишер Навоий кўчаси худудидан Халқ банки Каттакўрғон филиалининг “24/7 Электрон офис” ўрнатилиши учун вақтинча 14,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. АТ Халқ банки Каттакўрғон филиали бошқарувчиси А.Эшпулатовга мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланмаслик, кўшни мулк эгалари манфаатларига зиён етказмаслик, экологик талаблар, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш вазифалари юклатилсин.
4. Мазкур шартлар бажарилмаган ҳолатда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги Давлат ер захира фондига қайтариш инобатга олинсин.
5. Шаҳар Давлат солиқ инспекциясига амалдаги тартибга мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундирилишини доимий назоратга олиш топширилсин.
6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими в.б

Г.Алимова